


# ГЕНДЕР ва СУВ



3

*Гендер, Сув ва иқлимий ҳодисалар*



Биз, гендер ва сув муаммолари Альянси (ГСМ Альянси) мазкур буклетни қўлга олаётганингиздан хурсандмиз. Унинг ёрдамида биз Сизларга жуда ҳам муҳим ва долзарб муаммолар ҳақида сўзлаб берамиз.

Дастлаб шуни айтмоқчимизки, бу суҳбат буклетни ўқиш билан бошланади. Шу билан бирга, умид қиламизки, бу буклетда ўқиганларингиз ҳақида яқин қариндошлар, мактаб ва ишхонадаги таниш-билишларга сўзлаб берасиз. Сиз бу буклетни ўқиб чиқиш тўғрисида маслаҳат беришингиз, агар ўқитувчи бўлсангиз, уни она тилингизга таржима қилиб, нашр эттиришингиз мумкин. Шунингдек,

Сиз у ердаги расмлардан фойдаланиб, мулоқот, баҳс-мунозара ўтказишингиз ва ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириб, уларда ўз фикр-мулоҳазаларини мустақил баён этиш кўникмаларини шакллантиришингиз мумкин.

Сиз Интернетдаги [WWW.GENDERWATER.ORG](http://WWW.GENDERWATER.ORG) сайтига кириб, барча буклетларнинг расмларини кўчириб олишингиз мумкин. Шу ўринда муаллиф ҳамда гендер ва сув муаммолари Альянси ходимларига миннатдорчилик билдиришни унутманг.

Сўз охирида шуни айтмоқчимизки, агар Сиз гендер ва сув муаммолари тўғрисида батафсил маълумот олмоқчи бўлсангиз, ГСМ Сизнинг хизматингизда.

Сиз ва биз – ҳар биримиз ўз яшаётган жойимиз, у ердаги дарё, кўл ва сув ҳавзаларини бошқаришда ўз ҳиссамизни қўшишимиз ва бу билан ҳаммамизни сув билан таъминлашга хизмат қилишимиз мумкин.

Энди навбат Сизга. Яхши кайфият, катта қизиқиш билан ўқиб чиқишингизга тилакдошмиз.


**ДИҚҚАТ! ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!**

**ФАВҚУЛОДДА ХОДИСА!**



Қурғоқчиликка ўрганган одамлар кўпинча

**“Агар кучли ёмғир ёғсайди,**



**яхши бўлар эди”, деб ўйлашади.**



Сув тошқинидан азият чекканлар эса :  
**“Ёмғир тугай қолса эди...”**,

деб ўйлашади






*Ҳаммадан ёмони, қурғоқчилик ва сув тошқинлари вақти-вақти билан такрорланиб туради. Бунини билан туриб ёмон оқибатларнинг олдини олиш мумкин... Балки йўқ?*

*Ёмғирнинг етишмаслиги ёки кўпроқ ёғишидан қочиш мумкин эмас.*

**Биз одамларнинг азият чекишига йўл қўймаслигимиз керак!**





ЛЕКИН КИМ ҚУРҒОҚЧИЛИК ДАВРИДА  
КЎПРОҚ АЗИЯТ ЧЕКАДИ?



КИМ СУВ ТОШҚИНИ ТУФАЙЛИ ҲАММА  
НАРСАСИДАН АЙРИЛАДИ?



КИМ СУВ ТОШҚИНИ ЁКИ БЎРОНДАН  
КЕЙИН ҲАММАСИНИ БОШИДАН  
ТИКЛАЙДИ?



КИМ ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА  
АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЭНГ  
КЕРАКЛИ ЧОРАЛАРНИ БИЛАДИ?





КИМ ШУНДАЙ ҚАЛТИС ВАЗИЯТЛАРДА ТОЗА  
СУВ ВА ОВҚАТ ОЛИБ КЕЛИШ УЧУН ҲАРАКАТ  
ҚИЛАДИ?

**Одатда аёллар...**




Бу хабарлар барча учун:  
аёллар, эркеклар, ёшлар ва қариялар учун.

*БИЗ ОИЛАМИЗГА ҒАМХЎРЛИК  
ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК.*

*БИЗ УЛАРНИНГ ҚУРҒОҚЧИЛИК, СУВ  
ТОШҚИНИ, БЎРОН ЁКИ БОШҚА ТАБИИЙ  
ОФАТЛАРДАН АЗИЯТ ЧЕКИШЛАРИГА  
ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИГИМИЗ КЕРАК. ЛЕКИН  
БУНИНГ УЧУН БИЗ СУВ, ТУПРОҚ  
ВА ТАБИАТДА МАВЖУД БЎЛГАН БАРЧА  
НАРСАЛАР ҲАҚИДА ҚАЙҒУРИШИМИЗ КЕРАК.*



**БИЗ ЎЗ УЙИМИЗ ҲАҚИДА  
ҚАЙҒУРИШИМИЗ КЕРАК.**





## **БИЗНИНГ УЙИМИЗ – БУ ТАБИАТ.**

*Биз ерда юрамиз, ҳаводан нафас оламиз, сув ичамиз  
ва овқат еймиз. Бу шунингдек бизнинг  
иш жойимиз ҳамдир.*

*Оналаримиз бизга доим нималарни уқтиришади?*


**БИЗ ТАБИАТ ҚОНУНЛАРИГА  
БЎЙСУНИШИМИЗ КЕРАК.**



**ХУШ КЕЛИБСИЗ!**


## ТАБИАТ ҚОНУНЛАРИ ҚАНДАЙ?

*Сув доимо ҳаракатда. У қуёшнинг қиздириши натижасида бугланиб, булутларни ҳосил қилади, ёмғирга айланиб, ўрмонлар, тоғлар, далаларни, қишлоқ ва шаҳарларни сувга тўйдириб, жилгаларга айланиб, қуйига қараб оқади, ерга сингади, дарё ва кўллارни, ер ости сув манбаларини тўлдиради. Бу йўлларни ўтиб бўлгач, сув яна бугланади ва яна янги саёҳат бошланади.*



Бу сувнинг табиатда айланиши дейилади.  
Сув ўз фаолиятини шу тарзда давом эттириши учун  
бу занжирнинг барча бўғинлари – ўрмонлар, тупроқ,  
дарёлар, *антропоген* иншоотлар - мутаносиб  
бўлиши керак.

**Табиат даврларига асосан яшовчи одамлар бу  
мутаносибликни бузмаслик кераклигини яхши  
билишади. Бу одамларга қулоқ солиш керак.  
Яна кўп ишларни амалга ошириш керак!**



*Ҳар йили тасодифий бўрон ва қурғоқчиликларнинг кўпайиши одамларнинг бошини қотирмоқда.*

*Ёз пайтидаги совуқ ва қишдаги иссиқ...*

*Қариялар илгарилари бундай бўлмаганлигини таъкидлашмоқда.*

*Олимлар эса иқлимни ўзгараётганлигини таъкидлашмоқда. Бунга эса инсонларнинг турли хил қувватлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришига йўналтирилган фаолияти сабаб бўлмоқда.*



*Узоқ йиллардан бери бу фаолият табиат мувозанатини бузиб келмоқда эди. Биз энди бу мувозанатни тиклаш чораларини кўришимиз керак. Агар ҳеч қандай чора кўрмасак, биз янада каттароқ инқирозга дуч келишимиз мумкин.*



**Табиат мувозанатини тикланиши барча учун, ва айниқса, бундан ҳаммадан кўпроқ азият чекаётганлар учун жуда муҳимдир.**

Энди, анчагина уйларни сувга бостирган дарёга бир разм солайлик. Дарёларда доимо иккита ўзан бўлади: йил давомида сув оқиб турадиган асосий ўзан ва сув тошганда фойдаланиладиган янада кенгрок ўзан.




Дарё қирғоғида уй қурадиган ҳар бир одам буни билиши керак. Балки сизнинг уйингиз табиат худудига чиқиб қолгандир. Бу жамоатчилик томондан маъқулланган бўлса ҳам, табиат қонунлариги зид бўлиши мумкин.



Сувнинг айланиши бузилса, бу ҳаммага ва ҳамма нарсага таъсир этади. Лекин аёлларнинг фикрини албатта ҳисобга олиш керак.

Дарё қиргоқларидаги дарахтлар ва бутазорларни қирқиб йўқ қилаётганлар табиат қонунларига риоя қилмаётган бўладилар. Ўсимликлар дарёни ҳимоя қилувчи гилоф ёки кийим бўлади. Ўсимликлар мавжуд бўлса, ёмғир сувларини тик тушишига барглар тўсқинлик қилади, шунда у аста-секин оқиб, тупроққа сингиб кетади ва бу билан илдишларни озиқлантириб, ер орасидаги говакларни сувга тўлдиради. У эса кейинроқ бориб, қуруқ мавсумда булоқларни сув билан таъминлашга хизмат қилади. Агар ўсимликлар бўлмаса, ёмғир сувлари ердан тез оқиб бориб, дарёга қуйилади ва шунда дарё тоша бошлайди.





*Шунингдек, ўрмон бўлмаганда ёмғир қирғоқларни ювиб, лой ҳосил қилади ва бу лой чўкиндига айланиб, дарёга тушади. Секин-аста чўкиндилар дарё ўзанини тўлдириб боради ва бунинг натижасида дарёлар тез тўлиб, уйларни сув босадиган бўлиб қолади.*



*Бошқа жиҳатдан, агар биз сув тошқинларини сувнинг кўпайиши ва камайишини ҳисобга олмасдан туриб, фақат дамба ва каналлар ёрдамида бошқарадиган бўлсак, дарё ўзининг табиат қонуниятига ролини бажара олмайди.*

*Агар дарёларни ўз ҳолича эркин оқишига йўл қўйилса, сув кўпайиши натижасида ёйилиб оқаётган дарё ҳавзаларда озиқ моддаларни қолдириб кетади. Бу озиқ моддалар ерни озиқлантиради. Бу ерларнинг ҳосилдорлиги ошиб, деҳқончилик, айниқса, бу далалардаги ҳосилга боғлиқ бўлган фермер хўжаликлари ривожланиб, катта фойда олиши мумкин, шунингдек, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг ривожланишига қулай шароит вужудга келади.*



*Ҳамма учун, айниқса, аёллар учун, ўсимликлар  
ва ҳайвонот олами учун ер ресурсларини ҳимоя  
қилиш катта аҳамиятга эга.*

*Бунинг учун сув ҳақида қайғуриш керак.*



*Қурғоқчилик тасодифий ҳодиса эмас. Вақти-вақти билан баъзи ҳудудларда ёмғирлар ёғмай қолади. Шунинг учун бунга доимо тайёр туриш керак. Қандай қилиб? Бу шу ҳудудлардаги имконият ва одатлардан келиб чиқади. Сув учун катта идишлар тайёрлаш мумкин, масалан уй ва жамоларда ҳамма томоннинг манфаатларини кўзлаган ҳолда сув тўплаш тизими ёки бошқа резервуарлар қуриш мумкин.*



*Тайёр бўлиш бу - электр энергияси ишлаб чиқариш, экинларни ўстириш учун ишлатиладиган сувни тежашнинг турли йўлларини топиш, шунингдек кам сув талаб қиладиган қишлоқ хўжаликни юритиш усулларини топиш демакдир. Кам сув сарфлаб, катта ва унумли ҳосил олиш.*

СУВ СОЛАДИГАН ИДИШ  
ЯСАШ ҲАҚИДА ҒОЯ БЕРГАНИНГ  
ЖУДА ЯХШИ БЎЛДИ.



**Биз қурғоқчилик, сув тошқини ва бўронларга тайёр бўлишимиз, фавқулодда вазиятлар вақтида бажарилиши керак бўлган, ҳамма томонлар билан ҳамкорликка асосланган ишлар режасини билишимиз керак.**

Сув ва ер ҳақида ўйлаш, табиий мувозанатни  
тиклаш ва қурғоқчиликка тайёр туриш учун ҳамма


## СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШДА иштирок этиши керак.

КЕЛИНЛАР, ФАВҚУЛОДДА  
ВАЗИЯТЛАРДАГИ ҲАРАКАТ  
РЕЖАСИНИ ТУЗАМИЗ.




*Ҳукумат, сувдан фойдаланувчилар, фуқаролик жамияти – ҳамма биргаликда ўйлаши, қарорлар қабул қилиши ва ҳаракат қилиши керак.*

*Ким бундай йиғилишларни ўтказиб юбормаслиги керак? Қабул қилинган қарорлар, белгиланган чора-тадбирлардан ҳаммадан кўп ютадиганлар. Шубҳасиз, аёллар ва қариялар бундай йиғилишларда иштирок эта олмаслиги мумкин. Шунинг учун уларнинг кўпчилиги ўз жамоаларини, ҳокимият, сувдан фойдаланувчилар ва фуқаролик жамиятининг вакилларида бўлиши муҳимдир.*



*Шунинг учун ҳокимиятга эга бўлмаганлар уни ола  
бошлайдилар... ва уни қўллай бошлайдилар.  
Илгари сўзларига қулоқ солинмаганлар энди  
ўз овозига эга бўлиши керак, уларни ҳам  
эшитиши керак.*





*Фавқулодда вазиятларда ҳаракат режаси самарали бўлиши учун ҳамма иштирок этиши керак.*

*Фақат техник ходимларгина тушуна оладиган режанинг ҳеч кимга фойдаси бўлмайди.*

*Бу режадан энг манфаатдорлар - аёллар, эркаклар, ёшлар ва қариялар ўзининг ҳаётий тажрибасига суяниб, ушбу режани самаралироқ қилишга ёрдам берадилар. Мингларча оилалар азият чекаётганда ҳамдард ва эътиборлироқ бўлган одамлар инқирознинг таъсирини камайтиришга ҳаракат қиладилар.*



*Табиатни тушунган сари биз нотўғрини  
тўғрилашимиз ҳамда тошқин ва қурғоқчиликдан  
азият чекаётганларнинг азобларини  
камайтиришимиз мумкин.*

*Биз вазиятни яхшилаш учун нимадир  
қилар эканмиз, табиат дарров жавоб беради.  
Табиат бизнинг дўстимиз, душманимиз эмас.*

**Шундай бўлиши ҳам керак.  
Чунки биз, одамлар, табиатнинг  
бўлагидирмиз.**





Нашрга тайёрловчилар:

Матн ва расмлар

Жиральдо Алвс Пинто ва Мегетерио

(Мигель Мендес Риэс, Марко Антонио де Ж.Ферейро, Фабио Ферейра,  
Вандерлей Сорэс. Сотрудничество Феррета)

Таржимон

Мороу Гейнес Кэмпбел III

Муҳаррир

Instituto Ipanema- Бразилия

[www.institutoipanema.net](http://www.institutoipanema.net)

Йўналиш: Demetrios Christofidis e Ninon Machado

Реализация

Гендер ва сув муаммолари Альянси - АГС

Ижрочи директор: Джоук Муйлвижк

[jokemuylwijk@chello.nl](mailto:jokemuylwijk@chello.nl)

[secretariat@gwalliance.org](mailto:secretariat@gwalliance.org)

[www.genderandwater.org](http://www.genderandwater.org)

Гендера сув муаммолари Альянси

Хогестраат 20, 6953АТ Диерен, Нидерландия

Почта индекси 114, 6950АС Диерен, Нидерландия

+31 313 427230

Муаллифлик ҳуқуқи- Гендер ва сув муаммолари Альянси – АГС

Узбекистон Республикаси , 100187, Ташкент ш., массив Карасу-4, д. 11

Тел. (998 71) 266 50 95, 266 50 96. Факс (998 71) 266 50 97

таржима: Ойгуль Усманова

тахрир: Галина Стулина

саҳифалаш: Джахангир Абдурахманов

*Буклетларнинг барча сериясини ўқиб  
чиқинг, кейин ўқувчилар, касбдошларингиз билан ўзингиз  
хоҳлаганча ишлашингиз мумкин.*

*Сиз расмлардан матнсиз фойдаланишингиз мумкин.*

*АГС веб-сайтига кириш ва расмларни компьютерингизги кўчириб олинг.  
Кейин Сиз расмлардан фойдаланиб, ўз матнингизни ёзишингиз мумкин. Сиз, шунингдек,  
ўзингиз ўйлаб топган ҳикояни гапириб беришингиз ва ўз дарсларингизни  
тайёрлаш учун уларни бошқача тартибда тақдим этишингиз мумкин.*


*Жиральдо ва АГСга миннатдорчилик билдиришни унутманг.*

*Наишнинг узбекча версиясини [www.cawater-info.net](http://www.cawater-info.net)  
порталидан юклаб олишингиз мумкин.*



Буклетлар тўртта:

1. Гендер ва сув. Гендер билан танишув. У ўзи нима?
2. Гендер, сув, тозалик ва саломатлик.
3. Гендер, сув ва иқлимий ҳодисалар.
4. Гендер, сув, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқатлар.



**GWA** GENDER AND  
WATER ALLIANCE



Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra

Swiss Confederation